Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 18 (9.210) 1999 йил 15 февраль, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


*Хотира ва қадрлаш — муқаддас туйғу*

## ЯНА БИР ҚУТЛУҒ САНА

***Республикамиз Президенти ташаббуслари билан бизнинг эътиборимиздан четда қолаётган кўпгина қадриятларимиз, миллий анъаналаримиз тикланиб кенг оммага тарғиб этилмоқда***



Хусусан Юртбошимизнинг халқчил ташаббуслари билан 9 Майни Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаш ҳақидаги таклифлари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Тобора юртимизда бундай хайрли ишларнинг сони ҳам ошиб бориши халқимизнинг ўз Ватанига, миллатига бўлган муҳаббатини янада оширади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Мустақиллик майдонида бунёд этилаётган Хотира майдони асрлар оша энг табаррук қадамжолардан бири бўлиб қолади. Ва шунингдек ота-боболаримиз кўрсатган жасоратларидан ҳамиша бизни воқиф этиб туради.

Президентимизнинг 9 Майни Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиш ҳақидаги таклифларини юртдошларимиз илиқ кутиб олиб, уни қизғин маъқулламоқдалар. Инчунун буюк мутафаккирларимиз айтганларидек «Хотира уйғонса гўзалдир».

Мен истаб қолардимки, бундан кейин Хотира ва қадрлаш куни ҳам мустақиллигимиз шарофати билан тикланаётган яна бир улуғ сана бўлиб, бунда ўтган ўз яқин қариндошларимиз қаторида юртимиз мустақиллиги учун жон фидо қилганларни ҳам доимо хотирлаб турамиз.

*Ғофир ЭШМОНОВ.*
*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ходими.*

**Назм**

## ИНСОНИЙЛИК ҚАРЗИМИЗ

*Элнинг кўзи қораси,*
*Жигарпора, сараси,*
*Муқаддас хотираси*
*Авлодлар дилидадир,*
*Ёдида, тилидадир!*
*НАҚАРОТ:*
*Ўтганларни ёд айлаш,*
*Руҳларини шод айлаш,*
*Тирикларни авайлаш*
*Инсонийлик қарзимиз,*
*Раҳмонийлик фарзимиз!*

*Оналарнинг фарёди,*
*Чеккан алам, оҳ, доди,*
*Жангга борганлар ёди,*
*Авлодлар дилидадир,*
*Ёдида, тилидадир!*
*НАҚАРОТ:*
*— Лаънат уруш, қирғинга,*
*Ўт-оловга, ёнғинга!*
*ТИНЧЛИК-она заминга!*
*Бир-биримиз асрайлик!*
*Давру даврон сурайлик!*
*НАҚАРОТ:*
*Ўтганларни ёд айлаш,*
*Руҳларини шод айлаш,*
*Тирикларни авайлаш*
*Инсонийлик қарзимиз,*
*Раҳмонийлик фарзимиз!*

*Искандар РАҲМОН,*
*Қуролли Кучлар фахрийси.*

**Қурилиш**

## ТЎҚСОН ОИЛА ҚУВОНЧИ

***Миробод туманининг «Госпиталь» даҳаси тобора кенгайиб, кўркамлашиб бормоқда. Бу ерда «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли 1-уйсозлик комбинатининг 26-қурилиш бошқармаси аъзолари катта бунёдкорлик ишларини олиб боришмоқда.***

Яқинда қурувчилар Кунаев кўчасида қад кўтарган 90 оилага мўлжалланган яна бир 9 қаватли бинони ўз эгаларига ҳадя этишди.

*Маҳмуд ОРИПОВ.*

**Спорт**

## МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

***Республика Олимпия шон-шуҳрат музейида спортнинг техник ва амалий тури бўйича етакчи спортчилар, мураббий ва фаоллар билан учрашув бўлиб ўтди.***

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов Фармонига биноан Андрей Разумовга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» унвони нишони, шунингдек Қўқондаги ҳайдовчилар мактаби раҳбари Нўъмонжон Жабборалиевга «Шуҳрат» медали топширилди. Мукофотларни Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Кароматов топширди.

Республикамиздаги кўпгина ташкилот ва қўмиталар етакчи спорт усталари ва мураббийларига ҳам қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

*Озод ХАЛИЛОВ.*

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида**

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

***Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоблари шаҳримиздаги корхона, ташкилот, муассасалар, олий ўқув юртлари, маҳаллаларда кенг муҳокама этилмоқда, унда илгари сурилган фикрларнинг моҳияти англанмоқда.***

Дарҳақиқат,халқимиз ва давлатимизнинг маънавий соҳада келгуси асрга мўлжалланган ҳаракат дастури мустақил фикрлайдиган, ҳаётга оқилона муносабатда бўладиган, юксак маънавиятли эркин фуқарони камол топтириш вазифалари Президентимизнинг «Баркамол авлод орзуси» асари ва «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларида тўла баён этилган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг ташаббуси билан пойтахт ҳокимлигида ўтказилган илмий-амалий анжуманда ниҳоятда муҳим ва долзарб масалалар тўғрисида сўз борди, батафсил фикр алмашилди.

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, халқ таълими, туман ҳокимликлари вакиллари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этган мазкур анжуманда маъруза қилган таниқли олимлар мамлакатимиз фуқаролари тафаккурини юртбошимиз ғоялари асосида бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш, ёшларни миллат, халқни бирлаштирадиган миллий ғоялар руҳида тарбиялаш, уларни бизга хавф солаётган мафкуравий таҳдидлардан огоҳ этиш хусусида фикр ва мулоҳазаларни билдирдилар. Анжуманни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э. Эрназаров бошқарди.

Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Неъматулла Иброҳимов маъруза қилди.

Умуман, шу куни илмий-амалий анжуманда бугунги кунда ҳаётимизда энг долзарб аҳамият касб этган масалалар тилга олинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

— Биз биринчи навбатда ўз доирамизда Президентимиз илгари сурган ғояларни бойитишимиз, ҳар бир шахс ўзига тегишли ишларни белгилаб олиши керак, — деди жумладан «Янги жамият қуриш — бунёдкорлик жараёни» мавзуида маъруза қилар экан «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Садир Салимов. — Юртбошимиз доимо адолат масаласини биринчи ўринга қўядилар. Бинобарин, ҳаётда адолат бош мезонимиз бўлсин. Адолатли инсон бўлиш учун жуда чуқур маънавиятга эга бўлиш керак. Президентимиз қўйган энг муҳим масалалардан бири адолат категорияларини кишиларга тушунтиришдир.

«Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси Муҳаммаджон Зуфаров хотира ва қадрлаш масалалари тўғрисида тўхталиб, уруш фахрийлари ва ногиронларини эъзозлаш борасида жамғарма томонидан қандай ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтди.

«Адолат» социал-демократик партиясининг биринчи котиби, Тошкент Давлат 1-тиббиёт институтининг ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Турғунпўлат Даминов йиғилганлар эътиборини сайловлар йилида амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар, сиёсий партияларнинг бугунги кундаги ролига қаратди.

Анжуманда меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, аҳоли турар жойларида маърифий-амалий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Илмий-амалий анжуманда Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Кароматов сўзга чиқди.

## ГРИППГА ҒОВ ҚЎЯЙЛИК

***Маълумки, мавсумий хасталиклар деб аталувчи касалликлар сирасига биринчи навбатда кирадиган грипп хасталиги оммавий тус олиб, ҳар йили аҳоли соғлиғига бирмунча зарар келтиради, биринчи навбатда бу нарса халқ хўжалигида салбий кўринишлар касб этади.***

Гриппнинг ва бошқа юқумли хасталикларнинг оммавий тусда тарқалишига ғов қўйиш, пойтахтда эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш бўйича таъсирчан профилактик чора-тадбирлар кўришга бағишланиб ўтган шанба куни Тошкентшаҳар ҳокимлигида эпидемияга қарши кураш фавқулодда шаҳар комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Миржалилов ўтказган эпидемияга қарши кураш комиссиясининг мажлисига туманларнинг ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, шаҳар хизматлари ва идораларининг раҳбарлари таклиф этилдилар. Унда сўзга чиққан Тошкент шаҳар Санитария ва эпидемиология бош бошқармасининг бошлиғи С. Сайдалиев, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Р. Султонов, республика давлат санитария бош врачи, соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Б. Ниёзматов, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Йўлдошев, шаҳар хизматларининг бошқа раҳбарлари пойтахтда ушбу хасталикнинг тарқалишини огоҳлантириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталдилар.

Эпидемияга қарши кураш комиссиясининг кенгайтирилган мажлисида шу нарса таъкидландики, бу борадаги ишларни жойларда тезлаштириш ва фаоллаштириш жуда ҳам зарур. Барча профилактик чора-тадбирларни сўзсиз бажаришга, дезинфекция воситаларидан фойдаланишга, энг оддий бўлиб туюлган дока тўсиқларидан ва ғилофларидан транспорт, савдо, маиший хизмат кўрсатиш, халқ таълими сингари соҳаларда фойдаланишга айниқса муҳим аҳамият бермоқ керак. Шаҳар ер усти йўловчи транспорти, метро, иккита темир йўл вокзали, аэропорт, бозорлар ва пойтахтнинг йирик магазинлари, мактаблар, болалар боғчалари, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари шаҳар эпидемияга қарши кураш хизматлари томонидан доимо диққат эътиборда турадиган жойларга айланмоғи даркор. Бундан ташқари аҳоли ўртасида юқумли хасталиклар профилактикаси бўйича кенг тушунтирув ишларини олиб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Эпидемияга қарши кураш комиссиясининг кенгайтирилган мажлисида тегишли хизматлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари олдига қўйилган ана шу вазифаларнинг бажарилиши грипп эпидемиясининг тарқалишига ғов қўйишда, ушбу юқумли хасталикнинг кенг ёйилишидан кўриладиган зарарнинг муайян миқдорда камайишида муҳим омил бўлади.

## НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ НИШОНЛАШ АРАФАСИДА ОБОДОНЛАШТИРИШ, ШАҲАР САНИТАР ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

***Наврўз умумхалқ айёмини муносиб кутиб олиш, баҳорги ободонлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов «Наврўз Умумхалқ байрамини нишонлаш арафасида ободонлаштириш, шаҳар санитар ҳолатини яхшилаш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш ҳақида» қарор қабул қилди.***

Қарорга мувофиқ Тошкент шаҳрида 1999 йилнинг 15 февралидан 20 мартигача ободонлаштириш, шаҳар санитар тозалигини таъминлаш ва 20 мартдан 15 апрелгача баҳорги кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ўтказилади.

Туман ҳокимликлари бир ҳафта ичида баҳорги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар тозаликни таъминлаш икки ойлигини ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари керак.

Улар зиммасига ҳафтанинг ҳар шанба ва якшанба кунлари меҳнат жамоаларини ва аҳолини кенг жалб қилган ҳолда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳашарларини ўтказиш юклатилди.

Баҳорги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар тозаликни таъминлаш икки ойлигини ўтказиш бўйича шаҳар ҳайъати, баҳорги икки ойлик давомида шаҳар ҳудудида дов-дарахтларни экиш дастури тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 февралдаги 62-сонли қарорини тўлиқ бажариш учун туман ҳудудларида вақтинча бўш ётган ер майдонларига терак кўчатларини экишни ташкил қилиш топширилди.

Тошкент шаҳар ҳудудини санитар тозалаш бошқармасига туман ҳудудларида янги пайдо бўлган чиқиндиларни тўплаш учун мўлжалланган майдончалар атрофида кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш топширилди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририятига баҳорги икки ойликнинг боришини мунтазам равишда ёритиб бориш топширилди.

**Теннис**

## ЖАҲОН ГУРУҲИ САРИ



***Илгари хабар берганимиздек, уч кун давомида «Юнусобод» теннис кортларидан мухлисларнинг қадами аримади — жаҳон мамлакатларида жуда катта обрў-эътибор ва нуфузга эга Дэвис Кубоги бўйича Ўзбекистон — Покистон терма жамоалари ўртасидаги баҳс юртимиз спорт ишқибозларида катта қизиқиш уйғотди.***

Шуниси эътиборга лойиқки, беллашувларга узоқ ва пухта тайёргарлик кўрган йигитларимиз бу гал ҳам ишқибозлар дилини шод этишди.

Баҳсни ҳар доимгидек жамоамизнинг энг моҳир ўйинчиси Олег Огородов бошлаб берди. У учта сетдан иборат ўйинда Покистоннинг иккинчи ракеткаси Муҳаммад Холиқни 6/3, 6/3, 6/3 ҳисобида мағлуб этди. Терма жамоамиз учун иккинчи баҳс кутилмаганда жуда мураккаб кечди. Ҳамшаҳримиз Вадим Куценко 1997 йилги Покистон чемпиони, ўтган йили ёшлар ўртасида ушбу давлатнинг энг яхши ўйинчиси деб тан олинган 19 ёшли Ойсам ул Ҳақ Курешидан рейтинг бўйича анча устун турса-да ушбу беллашув 6/1, 7/5, 6/4 ҳисобида Куреши фойдасига ҳал бўлди. Шундай қилиб биринчи кун 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан тугади.

Иккинчи куни жуфтликлар ўртасидаги баҳс кўп нарсани ҳал этиши аниқ эди. Зеро, ютган команда олдинга чиқиб олар, бу эса якуний ғалаба учун унинг имкониятларини кескин оширарди. Шу сабабдан Куреши — Холиқлардан иборат покистонликлар жуфтлиги ушбу ўйинда бутун кучмаҳоратларини ишга солиб ғалаба сари интилишди. Биринчи сетда ҳар бир жамоа ўз тўп ташлашларини ютгани учун ҳисоб 1/1, 3/3, 4/4 тарзида ўсиб борди. Фақат 5/5 ҳисобидан кейингина ўйинда кескин бурилиш юз берди. Биринчи бўлиб рақиблар геймини ютган Огородов ва Томашевичлар сетни 7/5 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал этишга муваффақ бўлдилар. Ғалабадан руҳланган юртдошларимиз иккинчи сетни жуда кўтаринки руҳда ўтказдилар. Уларнинг тўп оширишлари кучли, зарбалари ҳам аниқ эди. Шу сабабдан ушбу сет 6/1 ҳисобида ўзбекистонликлар ғалабаси билан тугади.

Учинчи ҳал қилувчи сетда покистонлик теннис усталари кортда кескин кураш олиб бордилар. Бу гал ҳам ўйин худди биринчи сетдаги каби шиддатли ва муросасиз кечди. 5/5 ҳисобидан кейин ўзини қўлга олган теннисчиларимиз қаторасига икки геймда устун келиб умумий ҳисобда ғалаба қозонишди.

**КЕЧА** ҳал қилувчи охирги икки беллашув бўлиб ўтди. Енгилмас етакчимиз Огородов Покистоннинг энг кучли ўйинчиси Курешини тўрт сетда 6/4, 6/3, 3/6, 6/1 ҳисобида мағлуб этганидан сўнг терма жамоамизнинг умумий ғалабаси ойдинлашди. Охирги ўйинда Куценко рақибларининг захирадаги ўйинчиси Азим Шафиқ учун ҳеч қандай имконият қолдирмади — 6/0, 6/0.



Жамоавий баҳсда 4:1 ҳисобида устун келган юртдошларимиз энди апрель ойида Ливан — Япония беллашувининг ғолиби билан учрашадилар. Ушбу баҳсда ғалаба қозонган команда эса сентябрь ойида жаҳон лигасига чиқиш учун куч синашади.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*
*СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон — Покистон учрашувидан лавҳалар.*
*Рашид Галиев олган суратлар.*

## ДАВР САДОСИ

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Дўрмондаги қароргоҳда Ўрта Осиё ва Кавказорти мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича француз корхоналари ҳаракати қўмитасининг раиси Кристиан Монс бошчилигидаги делегация билан учрашди.

● Вазирлар Маҳкамасида эпидемияга қарши кураш бўйича республика фавқулодда комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. У грипп ва бошқа юқумли хасталикларнинг олдини олиш масалаларига бағишланди.

● Гулистонда «Сирдарё вилояти-хорижий сармоядорлар учун ишончли ҳамкор» мавзуида учинчи халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

● Республика ёшларининг «Камолот» жамғармасида янги илмий-оммабоп луғат маълумотномасининг тақдимоти бўлди.

● Ўтган шанба куни Тошкентда пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасида имтиҳонларнинг дастлабки босқичи ниҳоясига етди.

● Сирдарё вилояти ҳокимлигида қурилиш самарадорлигини оширишга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

● Фарғонадаги Ўзбек — Америка «ЎзТекСако» қўшма корхонасида автомобилларнинг барча турларига мўлжалланган мотор мойларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

### ЖАҲОНДА

● **Бугун** россиялик чегарачилар грузин-турк чегарасининг Ахалкала участкасини тарк этдилар.

● Белоруссияда совет қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилганлигининг ўн йиллиги нишонланди. Республика Президентининг Фармонига кўра ана шу сана муносабати билан медаль таъсис этилди.

● Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонасида «Бугунги Ўзбекистон ва унинг сайёҳлик салоҳияти» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Уни «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва Америка Осиё-Тинч океани минтақаси сайёҳлик ассоциацияси ташкил этди.

● **Кеча** Болгария Президенти Петр Стоянов икки кунлик ташриф билан Москвага келди. Унга бу ерда ҳуқуқий мукофот топширилади.

● Ўтган шанба куни Европа парламент ассамблеяси Кенгашининг президенти Д. Жонсон Тбилисига расмий ташриф билан келди. У Грузия парламентининг раиси З. Жвания ва Давлат вазири В. Лордкипанидзе билан учрашди.

● **Бугун** Британия ҳуқуқни муҳофаза қилиш вакиллари — суд, прокуратура ходимлари ҳамда журналистлардан иборат катта гуруҳнинг Брестга келиши кутилмоқда. Ушбу антиқа сафар иккинчи жаҳон уруши вақтида Брест яқинидаги Домачево деган жойда полиция маҳкамаси коменданти вазифасида ишлаган, белорус миллатига мансуб Андрей Савонюкнинг жиноий иши билан боғлиқдир.

● АҚШ Президенти Билл Клинтон Моника Левински билан бўлган ишқий можароси ва сохта кўрсатмалар берганлиги учун ўз лавозимидан сенат томонидан четлаштирилмайдиган бўлди. Ниҳоят бир ярим йил давом этган жанжал ниҳоясига етди. Билл Клинтонни лавозимидан четлатишлари учун овозлар етмади. Шуниси диққатга сазоворки, барча аёл-сенаторлар унинг ишқий можаросига қарши овоз бердилар.

● Россия Бош прокуратураси Қимматбаҳо металлар қўмитасининг собиқ раиси Бичковни порахўрликда, контрабанда, товламачилик, бошқа жиноятларда айбламоқда. Ушбу айблов ўғирланган 180 миллион долларлик олмос ва олтин қидируви доирасида эълон қилинган.

● Сурияда ўтказилган умумхалқ референдумида 9 миллиондан ортиқ аҳоли қатнашди. Ана шуларнинг 99,98 фоизи 68 ёшли Ҳафиз Асаднинг Сурия давлатига бешинчи марта 7 йиллик муддатга раҳбарлик қилишини ёқлаб овоз бердилар.

● Ҳиндистон парламентининг аъзолари икки мамлакат ўртасидаги минтақалараро муаммоларни муҳокама қилиш учун Исломободга келдилар.

● Япония Шимолий Корея ракета синовларидан воз кечмаса КХДРга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмаслигини маълум қилди. Агар синовлар давом эттирилса, Корея ярим ороли энергетикани ривожлантириш ташкилотига ҳам молиявий ёрдамда тўхтатилади.

● «Толибон» ҳаракатининг вакиллари ва уларга қаршилик кўрсатувчи коалиция Ашгабат шаҳрида ўтказилган музокаралар чоғида ҳарбий хизматчиларни айирбошлаш ва ўт очишни тўхтатиш шартлари хусусида бир тўхтамга келдилар.

● **Кеча** Парижда ташқи ишлар вазирлари даражасида собиқ Югославия бўйича боғлов гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис қатнашчилари Косоводаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича Сербия ва Косово албанлари делегацияси музокараларини 20 февралга қадар узайтиришга қарор қилдилар.

● Франциянинг давлат назоратидаги йирик France Telecom телефон компанияси биринчи мартдан бошлаб шаҳарлараро сўзлашувлар нархини 12 фоизга, халқаро сўзлашув нархини 10 фоизга арзонлаштиради.

● Афғонистонда шанбага ўтар кечаси 5,5 балл куч билан ер силкиниши содир бўлди. 70 га яқин киши ҳалок бўлди ва 200 дан ортиқ киши жароҳатланди.

● Ўтган шанба куни Самарада вилоят ички ишлар бошқармаси биносида рўй берган ёнғин пайтида фожиали ҳалок бўлганлар билан видолашув бўлди. Сўнгги маълумотларга қараганда ёнғин туфайли ҳалок бўлганлар 51 кишини ташкил этади. 20 га яқин одам бедарак йўқолган. Ёнғиндан азият чекканлар сони 121 кишига етди.

● Монголияда ниҳоясига етган халқаро шахмат турнирида чирчиқлик халқаро гроссмейстер Сайдали Йўлдошев 2—5-ўринларни ўзаро бўлашиб олган ғолиблар сафидан жой олди.

Муносабат

# БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗ КАФОЛАТИ

**Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларини ўқиб...**

***...Фақат ўтмишни ёзғириш, инкор этиш билан узоққа бориб бўлмайди. Эски асоратларни инкор қилиш осон, бироқ улардан қутулиш, уларни такрорламаслик — ўз-ўзидан бўладиган иш эмас.***

**Ислом КАРИМОВ.**

«Мафкура» сўзининг ўзига ҳали ҳам ҳадиксираб, чўчиб қарайдиганлар талайгина. Улар, айниқса, «Қизил империя» ғоявий машинаси қудратини ўз бошларида синаган ота-боболаримиз орасида кўпчиликни ташкил этса ажабмас. Зеро, инсон тафаккурига кишан уриб, онгини синфларнинг муросасиз душманлик оғуси билан заҳарлаб, ўзини манқуртга айлантираёзган даҳшатли куч биргина шу сўз маъносида мужассам эди, десак муболаға бўлмас.

Ҳа, фарзандни — отага, акани — укага душман қилиб, ўзаги ва ўзлиги бир миллатни икки душман гуруҳга бўлиб юборган, бойлик ва бойларга қарши курашишни байроқ қилиб олиб, дунёнинг олтидан бир қисмида йўқсуллик, ҳам моддий, ҳам маънавий қашшоқлик салтанатини қарор топтирган «Қизил империя»га ана шу мафкура, аниқроғи коммунистик мафкура ёрдам берганди. Халқнинг асл фарзандларини режали асосда мунтазам жисмоний йўқота бориб, айни пайтда шу даҳшатлар ижодкорига ҳамду санолар ўқишга мажбур этган мафкура қудратига тан бермай илож йўқ.

Албатта, сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деганларидек ўша даҳшатларнинг гувоҳи бўлганлар умуман мафкурага ва ҳар қандай ғояларга эҳтиёткорлик билан қарашлари табиий. Аммо истиқлол туфайли тафаккур қаноти кенг ёйилган бугунги авлод кишилари атрофда рўй бераётган воқеаларни синчковлик ва зийраклик билан кузатишлари, улар устида тинимсиз мушоҳада юритишлари ҳам табиий. Замона шиддати одамларимиз онги, тафаккурини ҳам жўшқин ишга солиб юборгани аниқ.

Зеро, инсон тафаккури шундай бир қушдирки, у на қўнимни ва на чарчашни билади. Демак, тафаккурда тиним йўқ экан, у муайян воқеалар асосида аниқ бир йўналиш, шакл касб этиши керак. Бунда инсон ўз атрофидаги фикрлар, ғоялар тажрибасини кузатишга, улардан ўз ҳаёт тарзи учун керакли андозалар олишга интилади. Ғоявий бўшлиқнинг, мафкуравий бўшлиқнинг бўлмаслиги ана шундан келиб чиқади. Ҳаётда инсон учун фикрлаш, таҳлил этиш ва танлашни таклиф этувчи табиий омиллар билан бирга ўзини қийнамай тайёрини ўзлаштириш имкони ҳам бўлади. Табиийки, бундай тайёр ғоялар бирор манфаатни кўзловчи кишилар томонидан аниқ мақсадни кўзлаб ижод қилинган бўлади.

Бинобарин, бир томонидан мафкурани давлат сиёсатига айлантириш ёки унга сиёсий тўн кийдириш яқин ўтмишимиздаги аянчли тарихни такрорлашга олиб келиши мумкин. Ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишни бош мақсад қилиб олган мамлакатимиз учун бу мутлақо матлуб эмас. Иккинчи томонидан, бу борадаги фаолиятсизлик халқимиз ва давлатимизнинг олийжаноб идеалларига зид қарашлар, ғояларнинг кириб келишига йўл очиб беради.

Шу жиҳатдан Республикамиз Президенти «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавоб берар эканлар, уларнинг **«Биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз»,** — деган гаплари диққатга сазовор.

Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, жамиятда албатта турлича қарашлар, ғоялар мавжуд бўлади. Шу билан бирга умуммиллий, умумхалқ манфаатларига хизмат қилувчи — яъни миллатни, мамлакат ҳудудидаги барча халқларни умумий мақсад йўлида бирлаштирувчи, Ватан тақдири, халқнинг муносиб турмуш тарзини шакллантирувчи ғоялар ҳам бор. Ҳар бир шахс, аҳоли турли ижтимоий табақалари вакилларининг дунёқарашлари, мақсад ва интилишлари умуммиллий ғояларга уйғун бўлишини таъминлаш эса жамият барқарорлигини мустаҳкамлаш, инсонпарварлик ва бошқа умуминсоний қадриятларни сингдиришга боғлиқ. Бунга, албатта, маърифий-тарбиявий йўналишдаги ишларни кучайтириш, маънавият масалаларига алоҳида эътибор бериш, ёш авлодни ота-боболаримизнинг энг яхши анъаналари асосида, Ватан ва халқ қисматини ўз қисмати деб биладиган даражада тарбиялаш, эзгуликкина миллий тараққиётни таъминлайди, деган ҳикматли иборага амал қилиш каби қатор муаммоларни ҳал этиш орқали эришиш мумкин.

Истиқлол йиллари мобайнида маънавиятимизни юксалтиришга алоҳида эътибор бериб келиняпти. Айниқса, XX аср бошларидаги йирик ўзбек маърифатпарварлари илгари сурган ғоялар бугунги кунда ўз ривожини топмоқда. Улар фақат маърифат орқали, халқимизнинг илм-фанни чуқур эгаллашга даъват этиш ва шунга эришиш орқали миллий тараққиётни таъминлаш мумкин деб ҳисоблардилар. Уларнинг шу орзу-интилишлари истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ рўёбга чиқа бошлади. Таълимнинг пастдан юқоригача барча тизимида кенг ислоҳотларни амалга оширишнинг миллий дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Шўро давридаги ёппасига саводхону, лекин илм-маърифатдан бегона бўлиб қолган халқимиз эндиликда буюк бобокалонларимиз анъаналарига эргашиб, илм-фан чўққиларини забт этишга киришдилар. Ўтмишдаги бой маънавий меросимиз бутун халқимизнинг мулкига айланиб, айниқса ёш авлод тарбиясига ҳаётбахш таъсир кўрсатмоқда. Ўтмиш маънавиятини ўзлаштириш ҳозирги замон демократик тамойиллари тушунчаси билан уйғунлаштирилган ҳолда амалга оширилиши жамиятимиз диққат марказида турибди.

Буларнинг ҳаммаси биз барпо этишга киришган эркин фуқаролик жамияти маънавиятини шакллантириш вазифасига бўйсундирилган. Бу олийжаноб вазифа эса, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **«Озод, ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир».**

Бундай комил инсонларни тарбиялаш мамлакатимиз фуқаролари тафаккурига тазйиқ ўтказмаган ҳолда ушбу тафаккурни бойитишга, янгича мазмун билан тўлдиришга хизмат қилади. Бу ўз навбатида одамларни мустақил фикрлаш, хулосалар чиқариш, ҳар қандай вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда иш тутишга ўргатади. Биз яшаётган алғов-далғовлик дунёдаги турли қарашлар, инсонга қарши қаратилган ғояларнинг кириб келишига мустаҳкам тўсиқ қўйишнинг муҳим шарти ҳам шу комил инсонни шакллантириш билан боғлиқ экани маълум.

Шу маънода Республикамиз Президенти «Туркистон» газетаси мухбирига сўзлаб берган айрим мафкуравий таҳдидларни эслатиш ўринли. Уларнинг бир йўналиши ислом динини сиёсатлаштириш, шу асосда ҳокимият учун курашишга қаратилган. Ислом фундаментализми тарғиботчиларининг мамлакатимиз айрим вилоятларида, айниқса Наманган вилоятида фаоллашуви қанчалик фожиаларни келтириб чиқарганининг гувоҳи бўлган эдик. Ҳозир эса ўрта аср мусулмон халифалигини тиклаш учун курашувчи ташкилотлар мусулмон дунёсига ёйилган. Улар орасида «Ҳезби таҳрири исломия» ташкилоти вакиллари республикамизда яширинча иш олиб бораётганлари ҳам кўпчиликка маълум бўлди. Фарғона вилоятида унинг уч аъзоси устидан бўлиб ўтган суд ҳақидаги лавҳани ойнаи жаҳон орқали яқиндагина кўрдик.

Демак, ислом экстремизми билан боғлиқ таҳдидлар қуруқ гап эмас, жиддий асосга эга. Айни пайтда уларнинг ислом динига бўлган ҳурматимизга, иймон-эътиқодимизга ҳеч қандай дахли йўқ.

Юртбошимиз тилга олган яна бир мафкуравий таҳдид собиқ иттифоқни ҳар қандай кўринишда бўлса ҳам тиклашга уриниб қилинаётган хатти-ҳаракатлардан иборат. Бундай ҳаракат Россия — Белорус иттифоқи атрофидаги шов-шувларда, МДҲнинг бошқа бир қатор мамлакатларидаги иқтисодий қийинчиликлар чангалидан қутулиш йўлини собиқ империяни тиклашда кўраётган кучлар ташвиқотларида намоён бўлмоқда.

Ўзбек миллати тарихини сохталаштириш билан боғлиқ мафкуравий таҳдид ҳам Президентимиз томонидан алоҳида таъкидланди. Улар ҳатто ўзбек деган миллатнинг бўлмаганлигига ишонтирмоқчи бўладилар.

Ҳолбуки, мустақил миллат — ўзбек халқи сифатида қадимдан яшаб келаётганимизнинг ҳам тарихий, ҳам илмий, ҳам маданий асослари мавжудлиги бутун жаҳонга маълум. Мамлакатимизнинг турли вилоятларида ўтказилган ва олиб борилаётган археологик қазишма ишлари натижалари ҳам буни қатъий исботлайди.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби ҳаммамизга яхши таниш. Мазкур китобда миллий хавфсизлигимизга таҳдид солаётган бир қанча жиддий омиллар санаб ўтилганди. Жумладан, улар аввало кейинги йилларда МДҲ мамлакатларини ич-ичидан емираётган, ҳолдан тойдираётган этник, минтақавий, маҳаллий можаролар ва давлатлар ичидаги жангари сепаратизмдан иборат. Республикамиз жуғрофий ҳолатига кўра коллектив хавфсизлик тизими изчил йўлга қўйилмаган минтақада жойлашганлиги, Ўзбекистонни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммолар юки остида қолган мамлакатлар қуршаб турганлиги, экологик ва ядровий хавфсизлик билан боғлиқ муаммолар ҳам маълум мафкуравий тўн кийдирилиши билан жиддий хавф-хатарга айланиши мумкин.

Шундай экан, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг чуқур фикрий теранликка интилиши, мамлакат ичкариси ва ташқи дунёда содир бўлаётган воқеаларни ҳушёрлик билан тузатиб, таҳлил эта билиши ва тўғри хулосалар чиқариши ғоят муҳим аҳамиятга молик. Ана шундай қобилиятни, шундай дунёқарашни, шундай тафаккур эркинлиги ва шахс камолотини шакллантиришда юртбошимизнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига берган жавобларини ўрганиш, ундаги қоида ва хулосаларни чуқур ўзлаштириш ҳар биримизга катта назарий ва амалий кўмак бериши шубҳасиз.

Саноат

# ЛАЗЗАТ БАХШ ЭТСИН

***Байрамларда, туғилган кунларида азиз болажонларимизга совға-салом харид қилар эканмиз, улар севган — шоколадни ёддан чиқармаслигимиз аниқ. Бу борада пойтахтимизда бир йилдан буён фаолият кўрсатаётган «TUFIN» Ўзбек-Исроил қўшма корхонасида олиб борилаётган ишлар ибратлидир.***



— Шоколадни нафақат болалар, балки катталаримиз ҳам севиб истеъмол қилиши ҳеч кимга сир эмас, — дейди қўшма корхона бош директори Эркин Мусаев. — Шу боисдан ҳам қўшма корхонамизда айни кунларда иш юксак унум билан олиб борилмоқда. 300 нафардан ортиқ ишчи-хизматчимиз сидқидилдан меҳнат қилиб, замонавий дастгоҳлар ёрдамида 50 хилдан ортиқ маҳсулот турларини ишлаб чиқаришда фаоллик кўрсатишмоқда. 1997 йили мавсумда 167 миллион сўмлик ширинликлар тайёрлаган бўлсак, Оила йили дастурхонига эса 300 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотлар тайёрладик.



Янги йил байрамига республикамиз болажонлари учун ҳар бирининг баҳоси 395 сўмдан бўлган 1 миллион донадан ортиқ совғалар тайёрлашга эришилди. Бу совғаларнинг 200 мингга яқинини пойтахтимиздаги Навоий номли Санъат саройи, Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуи, республика қўғирчоқ театри, Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқали театри, Темирйўлчилар ҳамда Авиасозлар маданият саройларида ўтказилган арча байрамларида жажжи болажонларимизга тарқатилди. Хорижникидан қолишмайдиган турли-туман ширинликлар кичкинтойларнинг дилларига қувонч бағишлади, албатта.

Шунингдек, пойтахтимизда ҳамда республикамизнинг Хоразм, Наманган вилоятларидаги корхонанинг фирма дўконларида ҳам сотилаётган маҳсулотлар ўз харидорларини мамнун этмоқда.

— Хориж ҳамда ўзимизнинг хом ашёларимиздан тайёрланаётган сифатли маҳсулотларимизни ўзига хос тарзда ишлаб чиқаришда жонбозлик кўрсатаётган технолог Лиля Колонская, ишчиларимиздан Фарида Абдурасулова, Оля Козлова, Жанна Пашеваларнинг номларини айтиб ўтишни истардим, — дейди корхона раҳбари ўз сўзида давом этиб. — Шуни ҳам алоҳида таъкидлашим керакки, байрам арафасида 20 тоннадан ортиқ маҳсулотимизни Москва, Алмати шаҳарларига экспорт қилдик. Келгуси йилда эса бу борадаги ишларимизни янада ривожлантиришни режа қилганмиз.

*Шарофат БОБОЕВА.*

*СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавҳалар: Мамлакат Таслимбекова ўз ишининг устаси, ишчилар Муслима Муродова ва Ирода Маъруповалар ширинликларни қадоқлашмоқда.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

***Тошкент метросининг дастлабки йўналишини бунёд этишга киришишдан олдин Тошкент метро қурилиш трести очилган эди. Эндиликда Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Тошкент метрополитени ўзининг шарқона меъморчилиги, кўркамлиги билан жаҳондаги кўпгина ер ости қасрлари билан бемалол тенглаша олади.***

Йиллар ўтиши билан ер ости қасрининг иккита метро йўналиши ишга тушди. Ҳозир Юнусобод метро йўналиши қурилиши давом этмоқда. Бундай катта бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқаришда ушбу трест қурувчиларининг кўп меҳнати сингди.

Метро

# ЯНГИ КИЧИК КОРХОНА

Метрони қуриш ишлари кўп жиҳатдан турли техник жиҳозлар ва ускуналарга боғлиқ. Уларни ўзимизда кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида трест ҳузурида механизация бошқармаси тузилдики бу давр талаби эди.

— Ушбу бошқармани ташкил этишдан кўп нарса кўзда тутилган эди, — дейди унинг раҳбари Анатолий Плетнев. — Менинг ер остида лаҳм кавлаш ва тоннеллар ўтказиш борасида орттирган кўп йиллик тажрибамдан шу нарса маълумки, ёрдамчи ишлаб чиқаришни ўз вақтида адо этиш, зарур техник асбоб-ускуналарни тайёрлаш, етказиб бериш ва таъмирлашни сифатли бажаришда бизнинг бошқармамиз салмоқли ўрин тутади.

Бугунги кунда бошқарма таркибида механика цехи, электр цехи, ёғочни қайта ишлаш цехи ва бошқа ишлаб чиқариш участкалари бор. Арматура цехи эса механизация жараёнларини кенг йўлга қўйишда салмоқли ўрин тутмоқда.

Кейинги йилларда бу цех кичик корхона сифатида ишлаб чиқариш қувватини анча оширди. Ҳозир цех метро-қурилиш трестининг барча бўлинмаларини зарур жиҳозлар билан таъминлаб турибди. Юнусобод метро йўналишида бунёд этилаётган бекатларга каркаслар ўрнатишда ҳам цех маҳсулотлари қўл келди. «Бодомзор» бекатида бунёд этилаётган колонна линиясида ҳам шу усулдан фойдаланилди.

Бошқармада янги очилган кичик корхона эса асосан пойдевор блоклари, канализация қудуқлари учун қопқоқлар тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Бу ерда йўлка ва кўчаларга ётқизиладиган плиталар ишлаб чиқаришга киришилди. Метро ичидаги маиший хоналарни изоляциявий ҳимоялашга хизмат қиладиган мосламалар ҳам кўплаб тайёрланмоқда.

«ККТС—20» русумли кранларни қайта пайванд қилиш борасида ҳам бой тажриба орттирилди. Айни вақтда бошқарма цехларида метро қурилиши тоннель отряди буюртмалари ўз вақтида сифатли адо этилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Темирбетон тюбинглар учун ҳам мустаҳкам техник мосламалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Механизация бошқармаси юмушлари ортгандан ортиб бормоқда. Булар Тошкент шаҳар транспорт хизматини янада яхшилашга улуш бўлиб қўшилмоқда.

*Акбар АЛИЕВ.*

Тадбирлар

# ТЕРАН ФИКР ВА ТАВСИЯЛАР

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Кучли давлатдан кучли жамият сари» китоби юртимизнинг кўпгина олий ўқув юртларида, корхона ва ташкилотларда ўрганилиб борилмоқда.

Республика ёшлари «Камолот» жамғармасида ана шу китобга илова сифатида чоп этилган «Жамиятни ислоҳ қилиш йўлида» тўпламини ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Юртбошимизнинг бошқа китоблари каби ушбу рисоласи ҳам жамиятимизни демократик йўлдан боришида, унинг муҳим назарий-амалий дастури бўлиб қолади.

Йиғилишда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг мазкур асарлари катта ижтимоий-сиёсий, маънавий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидладилар.

*Одил ҲАСАНОВ.*

***Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти 1996 йилдан бошлаб «Таълим муаммолари, илмий-услубий ютуқлар ва илғор тажрибалар» номли ахборотлар тўпламини чиқариб келди. Унда олий ва ўрта махсус таълим тизимига оид илмий-услубий, долзарб мавзудаги илғор тажрибалар ва муаммолар хусусидаги мақолалар, янгиликлар ҳақида кўплаб ахборотлар чоп этилди.***

Нашрлар

# «ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ»

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 15 апрелдаги 160-сонли «Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситаларини қайта рўйхатдан ўтказиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ мазкур ахборотлар тўплами «Таълим муаммолари» номи билан қайта рўйхатдан ўтказилиб, унга журнал мақоми берилди.

Журналда чоп этиладиган материаллар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги таълим ва кадрлар тайёрлаш борасидаги вазифаларни амалга ошириш, уларни бажариш бўйича қонунчиликдаги янгиликлар, таълим тизимини такомиллаштириш муаммолари, Давлат таълим стандартлари, таълим соҳасидаги илмий-услубий ютуқлар, илғор тажрибалар, долзарб мавзуларни мунтазам ёритишга бағишланган. Шуни айтиш керакки, мазкур материаллар (мақолалар) илмий мақомга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан илмий иш сифатида тан олинади ҳамда ўзбек ва рус тилларида босилади.

«Таълим муаммолари» журнали даврий бўлиб, унинг бир йилда олтита сони нашрдан чиқарилади.

Журналнинг ўз муштарийлари қўлига бориб етган сонларини варақласангиз, унинг асосий рукнлари анча такомиллаштирилганлиги ва кенгайтирилганлигининг шоҳиди бўласиз. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғига биноан журналда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш бўйича қонунчиликда янгилик» рукни ташкил этилди ва унда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилишини таъминловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни чоп эттириб бориш йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда республикамизнинг кўп сонли зиёлилари, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг профессор-ўқитувчилари, олимлари ўзларининг ҳозирги кундаги энг долзарб муаммоларга бағишланган мақолалари билан «Таълим муаммолари» журнали саҳифаларида қатнашиб, таълим тизимини янада такомиллаштиришга, мустақил республикамизни келажакда ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқишга қодир рақобатбардош кадрлар тайёрлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

*(Ўз мухбиримиз).*

Аҳоли дастурхонига

# ТУРИ КЎПАЙДИ

«Бекнон» кичик давлат корхонаси маҳсулотларини фақат Бектемир тумани аҳолиси эмас, балки қўшни туманлардаги фуқаролар ҳам севиб харид қилишади. Бу ерда бир кунда 8-10 тонна хом ашёдан 10 тонна тайёр маҳсулот чиқарилади.

Ишлаб чиқарилаётган нон ва нон маҳсулотлари, уч хилдаги макарон қаторига 4 хилдаги печеньелар ҳам қўшилди. Айниқса, уваланадиган ҳамирдан тайёрланган печенье жуда кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлмоқда. Бу маҳсулотларнинг сифатли ва мазали чиқишида технолог Зуҳра Москаленко, новвойлар устаси Бахтиёр Нурмуҳамедов, тахловчи Шаҳодат Ҳидоятова ва бошқаларнинг ҳиссаси алоҳидадир.

*Гулбаҳор МЎМИНОВА.*

«Қўнғироқларингизни кутамиз»

# РЎЙ-РОСТ ЁЗИШ КЕРАК



***«Оқшом» газетасини ёшу қари, яъни 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган кишилар севиб ўқишини навбатдаги қўнғироқлардан сездик. Чунки сим қоққан муштарийларимиз орасида ҳатто 80 ёшни қаршилаётган онахонлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Қўнғироқлардаги овозлардан кўпчилиги республикамиз Президентининг 9 Майнинг Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланиши ҳақидаги таклифларидан бениҳоя мамнунликларини, Хотира ёдгорлиги бунёд этилаётгани барчанинг эзгу нияти амалга ошганлигига, аждодлар хотираси абадийлигига яна бир карра муҳим ҳисса қўшилганлигини таъкидлашди.***

— **Газетангиздан Хотира ёдгорлиги қандай бўлиши ҳақидаги мақолани ўқидиму тўғриси кўнглим бўшашиб кетди,** — деди муштарий Қодир Юнусов. — **Чунки Мотамсаро она ёдгорлигида ўз меҳрибоним — волидаи меҳрибоним тимсолини кўрдим. Улар ўз оталари — бувам ва падари бузрукворимни умрининг охиригача умид билан кутдилар. Ҳамиша эшик олдида термулиб ўтиришлари кўз ўнгимдан кетмайди... Газетангиз орқали бош майдондаги бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган ҳар бир касб эгасига миннатдорчилик билдирсам деган эдим.**

Фарғона вилоятидан пойтахтимизга меҳмон бўлиб келган Муаззам аянинг қўнғироғи эса ҳам қувонтирди ва бироз уялдик ҳам: **«Мен ўғлимникига меҳмон бўлиб келиб, шу ерда бир-икки ой туриб қолдим. Тошкентдаги катта ўзгаришларни кўриб, тўғриси Ўзбекистонимнинг пойтахтидан фахрланиб кетдим. Лекин бу ерда кишини ранжитадиган воқеаларга ҳам гувоҳ бўлиб турибман. Бу одамларнинг лоқайд ва бепарволиги. Баъзи бир кўп қаватли уйлар атрофидаги ахлат уюмларини қаранг, ўз кўзим билан кўрдим, баъзи одамлар дуч келган жойга челаклардаги ахлатларни ағдариб кетишаркан. Биз қишлоқда турсакда, маҳалламизда ҳеч ким кўчага ахлат ташламайди. Ахир уй ҳам, кўча ҳам, шаҳар ҳам ўзингизники-ку, одамлар».** Ая «Оқшом» газетасига ўғли обуна бўлишини, шунинг учун ҳам унда чиқадиган мақолалардан хабардор эканлигини ҳам айтиб ўтдилар. Худди шундай шаҳримиз озодалиги хусусида тез-тез мақолалар беришимизни, ҳатто тартиббузарлар қандай жазо олганлигини кўрсатиб ўтишимизни сўраб Шайхонтоҳур туманидан Олим Қўчқоров, Мирзо Улуғбек туманидан Ҳусан Баратовлар ҳам қўнғироқ қилишди.

**«Президентимиз Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларини маҳалламиз аҳли билан ўрганар эканмиз, айниқса унинг маҳаллага, у ерда яшовчиларга берган баҳолари дилларимизга ажиб бир иликлик бахш этди**, — дейди Миробод туманидаги «Қўйлиқ ота» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Муҳайё Исмоилова. — **Чиндан ҳам ҳар бир маҳаллани ҳамда маҳаллага кирувчи кўп қаватли уйлар аҳолисини ҳам шундай руҳда тарбиялаш бизнинг асосий бурчимиз».**

Ҳамшаҳримиз Озода Маҳкамованинг куйиниб айтган гапларини эса айнан келтирамиз: **«Нима учун болалар касалхоналарининг кираверишига «Шифохонамизда болалар бепул даволанади, барча дори-дармонлар етарли» деб ёзиб қўйишадию лекин даволаш бошлангач эса қўлингизга турли хил дори-дармонлар рўйхатини тутқазишади. Ахир хўжакўрсинга бундай қилишнинг нима кераги бор? Ана шундай иши бошқа, сўзи бошқа шифокорлар ҳақида нега ёзмайсизлар? Улар ҳақида рўй-рост ёзиш керак».**

Ўзини Акромжон деб таништирган 10 ёшли укамиз **«Оқшом»да қизиқ-қизиқ бўлган воқеалардан ёзишимиз»**ни сўради. Шунингдек, Юнусобод туманидан Вера Корнишина, маданий-оқартув техникуми талабалари номидан Гулнорахон, Ҳамза туманидан Шарифа Қосимовалар ҳам турли мавзудаги саволлар билан мурожаат этишди ва тегишли жавобларни олдилар.

Энг асосийси, қўнғироқ орқали мулоқотлар бизни муштарийларимиз билан узвий боғлаб, келгуси режаларимизни белгилашда кўмак бераётганидир. Чунки биз ҳар бир фикр-мулоҳаза билан ўртоқлашишга тайёрмиз.

*Навбатчи Шарифа ИЛЁСОВА.*

Шахмат

# САҲНА УСТАЛАРИ ТАЛҚИНИДА

***Шахмат мавзуси бадиий адабиётда, тасвирий ва амалий санъат жанрларида, музикада, кино асарларида ўзининг кенг ифодасини топган, драматургияда ҳам етарли даражада акс эттирилган. Биз бугун шу хусусда — театр ва шахмат мавзуи борасида сўз юритмоқчимиз.***

Шарқ мумтоз адабиётига зўр эҳтиром билан ёндошган буюк адиб Гёте, инсон яратган мўъжизаларидан бири шарқ халқлари ижодининг меваси — шахматни «ақл тоши» деб таърифлаган. 1876 йилда ёзилган «Гецфон Берлихинген» пьесасининг муаллифи Гёте эканини ифтиҳор билан тилга оламиз. 1876 йили Париждаги «Палл-Ролль» театри саҳнасида Поль Ферреньнинг бир пардаси «Шахмат партияси» комедияси қўйилган эди. Америкалик М. Жорже Фростнинг «Ютилган ўйин» асари 1892 йили Парижнинг «Жимноз Драматик» театрида саҳналаштирилиб, зўр муваффақият қозонди. «Филидорни енгиб чиқ» деган опера 1882 йили Париждаги «Опера Комик» театрида қўйилган бўлиб, у машҳур композитор ва ўз даврининг тенги йўқ шахмат устаси ҳамда назариётчи Андре Филидорга бағишланган эди.

«Донишманд Нотон» драмаси машҳур немис маърифатпарвар ёзувчиси Гетхольд Лесинг (1729—81) ижодининг чўққиси ҳисобланади. Унда Лесинг инсонпарварлик, тинчлик, халқлар ўртасидаги биродарлик ғояларининг жарчиси сифатида намоён бўлади. Ҳозирги кунларда ҳам ўз қимматини йўқотмай келаётган бу олижаноб ғоялар хизматини шахмат ўтаган. Фашизм ҳалокатидан сўнг Берлинда саҳналаштирилган немис классик драматургияси асарларининг дастлабкиси ҳам «Донишманд Нотон» бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Машҳур австриялик ёзувчи Стефан Цвейгнинг «Шахмат» новелласи асосида Ленинград санъат усталари яратган телеспектакл миллионлаб томошабинларга манзур бўлди. Унда одамнинг ақлий фаолиятига шахматнинг таъсири кўрсатилади.

Гроссмейстер Александр Котов ўзининг «Оқлар ва қоралар» романи асосида пьеса яратди. Мана, бир неча йилдирки, бу спектакль муваффақият қозониб келмоқда. Асарнинг бош қаҳрамони рус шахматчиси Александр Алёхиндир. Ягона мақсадни кўзлаган, бутун ҳаётини унга тиккан, шахматдан бўлак ҳамма нарсадан кечган, руҳан бақувват, лекин шахмат тожи учун бўлган қийин курашда яккаланиб қолган Алёхин драмада улкан фалсафий тақдир даражасига кўтарилади. Бегона юртларда кўп саргардон бўлган ва ҳамиша Ватанини қўмсаб, унга интилган шахмат даҳосининг оғир тақдири пьесада ҳаққоний гавдаланади.

Ўзбек саҳнасида бунинг сингари шахмат мавзуи кенг очиб берилган пьесалар қўйилмаган бўлсада, мазкур мотивдан фойдаланилган эпизодлар йўқ эмас. Чунончи, Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмасидаги бир кўриниш шатранжбозлар олишуви билан бошланади. Бу бежиз эмас. Навоийнинг «Лисонут-тайр» достонидаги ҳикоялардан бири «Шатранж кабир ҳижолати»дир. «Мажолисун нафоис»да эса шоир ўша замоннинг энг кўзга кўринган шатранж усталарига ажойиб характеристикалар беради.

Ўзбек театр санъати усталаридан ҳам шахмат тўғрисида шундай илиқ сўзларни эшитганимиз бор. Эллигинчи йилларда Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг эски биноси қаршисида обод бир чойхона бўлиб, бу ерда шахмат «жанг»лари роса авжига чиқарди. Машҳур ўзбек режиссёри Етим Бобожонов ўзи ўйнамасада ўйинни томоша қилишга ишқибоз эди. Ўйин ҳақида бирон нарса дегиси, луқма ташлагиси келиб қолганда бир қимирлаб олардию, аммо ўта маданиятли киши эканлиги туфайли индамай қўя қоларди. Даврамиз унча кенгаймаган кунлардан бирида ошни дамлаб қўйиб, шахмат тахтаси ёнига келиб ўтирган Етим ака ўйинчиларнинг бири қилган хатога чидаб тура олмади шекилли, аста қулоғимга шивирлади: «бу қирқ йилги хом қачон пишаркин?» Кейинроқ холи қолганимда изоҳ берди:

— Нутқ маданиятидан бебаҳра кишидан яхши артист чиқмайди, — деди у. Бу — калит. Шахматчи ҳам ўз ижодига бефарқ қараса, билингки, у ҳаётда ҳам бир нуқтадан жилмай, одамларнинг энсасини қотираверади.

Бир куни тарих фанлари доктори, профессор Гога Ҳидоятовнинг уйида меҳмон бўлдим. Оқшом у билан шахмат сурдик. Ягона томошабин шеригимнинг онаси — раҳматли Сора опа Эшонтўраева бўлдилар. Учрашувнинг бошидан то охиригача опа ўрнидан қўзғалмади. Мулоҳазаларидан опанинг дурустгина шахматчи эканлиги билиниб турарди.

Талантли актёр ва режиссёр Тошхўжа Хўжаев: «Мени шахмат курашининг мантиқий ривожи мафтун этади», — дерди. Республикамизда бундан етмиш йилча муқаддам ўтказилган «жонли шахмат» томошалари зўр қизиқиш уйғотгани маълум...

«Жонли шахмат» ўйини қадимдан маълум. Бундай дейишимга сабаб шахмат доналарининг хизматини одамлар бажаришидир. Шахмат тахтаси сифатида 64 катакка бўлинган кенг майдондан фойдаланилади. Кураш ҳақиқий жанг тусини олди. Бунда икки томонлама қўшинлари бошига тож кийиб олган ва қўлига чўқмор ушлаган ҳолда хариф томон ҳўмрайиб тутган шоҳлари, тантанали маросимдагидек дабдабали ясаниб-тусаниб олган маликалар, бузилмас қалъа шаклидаги руҳларга, гижинглаган отлар, оҳиста, лекин узун-узун қадам ташловчи филларга миниб олган сипоҳлар, қилич ва қалқон тутган пиёда аскарлар ўзаро жанг қиладилар. Баъзан қадим замонларда ташкил этилган бундай ўйинлар фақат одамларни писанд қилмаган подшоҳлар учунгина эрмак бўлган, аслида беҳуда қонлар тўкилган шахмат доналари, сифатида ўлимга маҳкум этилган маҳбуслар иштирок эттирилган ва ўйин томоша пайтида уриб олинган «дона»лар чиндан ўлдирилган.

Ҳозирги пайтда ўтказилаётган «жонли шахмат» ўйинида ҳам доналар ролини одамлар бажаради, аммо жанг театрдагидек бўлиб ўтади. Жонли шахмат ўйинининг сири шундаки, оддий шахмат тахтасида кураш алоҳида жойда олиб борилади. Ҳар бир юриш махсус хабарчи орқали жанг майдонига етказиб турилади. Доналар — артистлар репетиция қилиб олишлари ва ўз ролларини пухта бажаришлари кўзда тутилиб, ўйналадиган партия олдиндан тайёрлаб қўйилади. Йигирманчи йилларда Тошкентда яшаган шахмат жамоатчиларидан бири, 1925 йили шу ерда очилган «Шахмат университети» деб аталган уч бўлимдан иборат ўзига хос маҳорат мактабининг мутасаддиларидан бўлган, иқтисод фанлари доктори ҳамда таниқли шахмат назариётчиси, журналист ва адиб Борис Вайнштейннинг яқинда эълон қилинган эсдаликларидан олинган қуйидаги парча ҳам китобхонда қизиқиш уйғотса ажаб эмас.

«... Баҳорги Тошкент қуёшининг ёрқин нурлари остидаги таъсирчан манзара — жонли шахмат ўйини, айниқса ёдимда қолган, — деб ёзади Б. Вайнштейн ўз хотираларида. — Ўрта Осиё ҳарбий округи қўмондонлиги шаҳарда жойлашган алоҳида батальонга ўн олти нафар пиёда, тўртта отлиқ қизил аскар ва тўртта пулемёр расчётини ўйинда қатнашиш учун олиб чиқишга рухсат этди. Бизда пиёдалар ҳам, отлар ҳам, тўплар, замбараклар ҳам бор эди, лекин фақат филларни жалб этишнинг иложи бўлмади... «Офицерлар» ролини взвод командирлари, янгича айтганда, кичик лейтенантлар бажарган эди.

Форзинлар тўғрисида алоҳида гапириш керак. Оқ фарзинни мен яхши танидим: у оқсариқ сочли юз бичими келишган студент Лена эди, у тиниқ кулранг отнинг ёнида турар ва ўйин бошлангач, умрида биринчи бор эгарга ўтириши лозим эди. Қора фарзинни, аниқроғи фарзинни эмас, балки узун кўк чопон кийган ва қоп-қора паранжи-чачвони ерга тегай деб турган фигура жонзотни мен узоқдан кўрдим. Қора доналарда Ўзбекистон шахматчиларининг арзандаси Азмиддин Хўжаев билан Тошкент чемпиони, яқин ўтмишда Петербург шахмат уюшмасининг аъзоси, биринчи тоифадаги шахматчи Сергей Гейкузен ўйнаган эди. Оқларнинг армияси Витор Гоглидзе 1935 йили Москвада ўтказилган халқаро турнирда жаҳон чемпионлари Э. Ласкер ва Х. Р. Капабланка билан ўйнаган партиялари уни оламга танитган. У 1927 йили Тошкентдан Тбилисига кўчиб кетган эди.

Асосий қисми чопону дўппи кийган ўзбеклардан иборат жуда кўп томошабин тўпланган Эски шаҳардаги стадионда ўйин бошланди. Оқ пиёда олға силжиши ва юриш навбати қоралароға келиши биланоқ Азмиддин Хўжаев шоҳ олиб минбарга чиқди-да қизғин сўзлар билан ўз қўшинларига ва барча тўпланганларга мурожаат қила кетди. У, албатта, ўзбекча гапирарди, мен у вақтда ҳали ҳаммасига тушунмасам-да лекин маъно равшан эди.

— Олдимизда кураш турибди, биз ғалаба қилишимизга ишонамиз. Лекин душман кучли ва қийинчиликлар оз бўлмайди. Модомики бизнинг асосий кучимиз — фарзинимиз қоп-қора чиммат билан ҳаётда тўсилган бўлса, дўсту душманни ажратмаса, душманни олға бошловчи йўлни кўрмаса, қандай қилиб кураша оламиз?..

Ўйин давомида ўзбек аёли — қора фарзин оқ шоҳни мот қилиш учун пиёдани олиб, ўзини қурбон қилаётиб: «Ғалаба ҳаққи, жонимни фидо қиламан!» — дея ҳитоб қилди».

Эски шаҳардаги шахматчилар йиғиладиган чойхоналарда узоқ вақтларгача бу ажойиб томошани эслашар, ўйинни қайта-қайта такрорлаб, якуний комбинацияни тиклашга уринишарди.

Азмиддин Хўжаевнинг топган йўлини қаранг: ҳам шахматни тарғиб қилишнинг ажиб, мафтункор усули қўлланган, ҳам шу баҳона ҳужум даврида кенг халқ оммаси орасида замон талабига мос ташвиқот иши дўндирилган!

Шахмат доналари ролини артистлар бажарадиган ўйинларнинг стадионларда ўтказилишига ҳали ҳам минг-минглаб томошабинлар муштоқ. Гап ташкилотчиликда, унинг пухта сценарийсини яратишда қолган.

*Мамажон МУҲИДДИНОВ.*



Оқлар бошлаб икки юришда мот қилади.



Оқлар бошлаб дурангга эришади.

*Жаҳон спорти янгиликлари*

## ЗИДАН — ЭНГ КУЧЛИ ФУТБОЛЧИ

Испаниянинг Барселона шаҳрида жойлашган ФИФАнинг «Шон-шуҳрат» залида жаҳоннинг 1998 йилги энг яхши футболчисини аниқлаш маросими бўлиб ўтди. Сайёрамизнинг 132 мамлакати миллий терма жамоалари мураббийлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра ўтган йилнинг энг яхши футболчиси номига Италиянинг «Ювантус» ҳамда Франция терма жамоалари аъзоси, «Франс футбол» ҳафтаномаси ўтказган сўровлар натижасига кўра Европанинг энг яхши футболчиси деб топилган Зайниддин Зидан сазовор бўлди. У сўровда 518 балл жамғарди.

## БРАЗИЛИЯ ҲАМОН ОЛДИНДА

Халқаро футбол ташкилоти (ФИФА) январь ойи бўйича терма жамоалар рейтингини эълон қилди. Унга кўра тўрт карра жаҳон чемпиони Бразилия терма жамоаси ҳамон биринчи ўринни эгаллаб турибди. Ўтган йилги жаҳон чемпионати финалида айнан Бразилия терма жамоасини йирик ҳисобда мағлубиятга учратганлиги ҳам французларнинг рейтингда пешқадам бўлиб олишларига камлик қилди. Улар иккинчи ўрин билан кифояланишди. Италияликларнинг сўнгги пайтда кўрсатаётган чиройли ўйинлари уларнинг учинчи ўринга кўтарилишини таъминлади. Шунингдек, Хорватия, Германия, Аргентина, Чехия, Голландия, Испания ҳамда Руминия терма жамоалари ҳам кучли ўнликдан жой олишди.

## ҲОҚ — ГИЁВАНДЛИККА ҚАРШИ

Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Халқаро Олимпия қўмитасининг ташаббуси билан ўтаётган асримизнинг энг долзарб муаммоларидан бири — гиёвандлик ҳамда допинг масалаларига бағишланган халқаро семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч коррупция қонунбузарликлари, гиёвандлик ҳамда пора олди-берди муаммоларига кенг тўхталиб, унинг олдини олиш йўл-йўриқларини батафсил шарҳлаб берди. Самаранч дунё мамлакатларининг барча Олимпия қўмиталарига бир келишувга келиш кераклигини айтди. Унинг фикрича, бирор бир спортчи допинг қабул қилса, ундай ҳолда ўша мамлакатнинг ушбу спорт тури бўйича иштирок этаётган спортчилари камида икки йил давомида нуфузли мусобақалардан маҳрум этилади. Самаранч барча давлатлар ҳукуматларининг Олимпия қўмиталари ушбу давлат фармацевтика саноати билан бевосита мулоқотда бўлишининг афзаллик томонларини аниқ очиб берди.

*Отабек ЭШМАМАТОВ.*




Адабий ўқишнинг сирли олами.

Равиль Альбеков олган сурат лавҳаси.

Кузатув

## ОБ-ҲАВО ДАРАКЧИЛАРИ

***Табиат олами кенг ва поёнсиз. Уни турли-туман ҳолатда кузатиш мумкин. Инсониятнинг ҳам ҳар бир хатти-ҳаракати табиат билан боғлиқ. Одамзот ақлини танибдики, табиат ҳодисаларини кузатиб боради. Атмосферадаги турли ҳодисалар, ҳайвонлар, қурт-қумурсқаю қушлардаги баъзи бир ҳолат ва ўзгаришларни кузатиш оқибатида иқлимни, об-ҳавони олдиндан айтиб бериш ҳодисаси жуда қадим замонлардан мавжуд. Табиатшунос олимларимизнинг кузатишларича, об-ҳавони юзлаб наботот вакили, бир неча юз хил жониворлар ҳолатига қараб қандай бўлишини олдиндан билиб олиш мумкин экан. Биз шу ўринда халқ ўртасида қўлланиб келинаётган, ҳақиқатга бир мунча яқин келадиган кузатишлар хулосаларини баён этамиз.***

Қуйидаги ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати, ўзини тутишига қараб об-ҳавонинг қандай бўлишини билиб олиш мумкин. Агарда от хирилласа, мол кундузи сувни кам ичса ёки мудраса, кечки пайт далада иштаҳа билан ўт еса ҳамда мушук қайта-қайта сув ичаверса ҳаво айниб ёмғир ёғиши эҳтимоли борлиги кузатилади. Шунингдек, чумчуқларнинг гала бўлиб учиши, қалдирғоч ва турналарнинг ўзга юртларга барвақт кетиши совуқ эрта тушишидан, бошингиз устидан тўп-тўп чиркак (майда пашша) учиб юриши, қалдирғочнинг баланд учиши ҳавонинг очиқ бўлишидан дарак беради.

Парранда-даррандаларнинг ўзини қай ҳолатда тутишига қараб ёғаётган қор-ёмғирнинг тиниш-тинмаслигини ҳам билиб олиш мумкин. Жумладан, товуқлар ёмғирдан ўзини олиб қочмаса, демак, ёмғир узоқ ёғмайди. Ёмғир ёғаётган вақтда қушлар дон-дун қидириб юришганда ҳам ёғаётган ёмғир тезда тинади.

Бундан ташқари теварак-атрофдаги турли жисмлар, табиат ҳодисаларига қараб ҳам куннинг қандай бўлишини билиб олиш мумкин. Яъни қуёш чиқишидан олдин эсган шамол ва қора булут ёмғир аломати. Қуёш чиқиши олдидан шарқда қуюқ қизил шафақнинг пайдо бўлишида ёмғир ёғишининг бир белгисидир. Ботиши олдидан кўринадиган қизил шафақ эртасига очиқ ҳаво бўлишини билдиради. Халқимиз, қибла қизарса қизингни узат, тоғ қизарса томингни тузат, деб бежиз айтмаган. Янги ой туғилиши арафасида иқлим ўзгариши мумкин. Ойнинг 13, 14, 15-кунларида ой юзини булут қопламайди.

Эрта пишар олмалар ёзда гуллаб ҳосил тугса билингки, куз яхши келади. Бордию, дарахтлар барги тепа шохлардан тўкила бошласа шу йили қиш қаттиқ келади.

Ҳурматли газетхон, биз келтирган ушбу кузатишларни сиз ҳам синчиклаб кузатинг. Қандай ўзгаришлар содир бўлади? Кузатишларингизни амалда синаб кўринг. Кузатишлар натижасини ҳисобга олган ҳолда кундалик турмушимизда оқилона фойдаланишимиз мумкин. Табиатни доимо ўрганиб боришимиз, уни асрашимиз ҳаёт тақозосидир.

*Ҳилолиддин ШАҲОБИДДИНОВ,*
*кекса ўқитувчи.*

Танловлар

## «ЗИЁ МАСКАНИ» — ҒОЛИБ

Бектемир туманида кутубхоначилар ўртасида «Зиё маскани» деб номланган танлов бўлиб ўтди. Унда тумандаги энг моҳир кутубхоначилар «Кутубхона — оила хизматида» мавзуси юзасидан бешта шарт бўйича беллашиб ўз иқтидорларию имкониятларини намойиш этдилар. Ҳакамлар ҳайъати туман Марказий кутубхонасини биринчи ўринга лойиқ деб топди.

*Мавлуда МАМАТХЎЖАЕВА.*

Кино

## «ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛЬМ» НАМОЙИШ ЭТАДИ

***«Ўзбектелефильм» студиясида таниқли ижодкор Абдусаид Кўчимов асари асосида болалар учун мўлжалланган «Баланд тоғлар ортида» саргузашт фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

Тадбирда санъатшунослар, адиблар, мусиқачилар, кинорежиссёрлар мазкур фильмнинг бугунги кундаги аҳамияти тўғрисида тўхталиб, фильм ўсиб келаётган ёш авлод қалбида Ватанга меҳр уйғотишда катта аҳамият касб этишини таъкидладилар. Бу фильм шу давргача болалар ва ўсмирлар учун кўпдан орзиқиб кутаётган асарлардан бири эканлиги ҳам айтилди.

Фильмда кўтарилган воқеа ва қизиқарли эпизодлар ёш томошабинларнинг қалбида чуқур из қолдириши табиий. Чунки фильм қаҳрамонлари асосий ролларни моҳирона ижро этишган ва ҳаётимиздаги биз илғай олмайдиган муаммоларни кўтаришга ҳаракат қилишган.

*Очил ҲАЗРАТОВ.*

Табассум

### ҚУЛОҒИМДА ТУРИБДИ

Хотиним билан футбол кўришга борган эдик. Стадион лиқ тўла бўлиб, жуда чиройли ўйин бўлаяпти. Ёнимизда ўтирган бир йигит завқ-шавққа тўлиб, хавфли вазиятларда овозининг борича бақирарди. Ўйин тугагач, у дўстларидан бирига деди:

— Бақираверib овозим ҳам йўқолибди, шекилли.

Шунда хотиним унга деди:

— Овозингиз йўқолгани йўқ, у қулоғимизда жаранглаб турибди.

### ЁЛҒОН ГАП

Қаҳвахонадан ширакайф чиқиб келаётганлардан бири дўстига деди:

— Қани айтчи, сен қачон туғилгансан?

— Якшанба куни.

— Ёлғон гапирма, ахир якшанба дам олиш куни-ку!

### МЕҲМОНИМ БЎЛАСАН

Дарвиш:

— Менга икки юз сўм бер, тушлик қилиб олай!

Бойвачча:

— Йўлингдан қолма. Ўзим ҳам ҳали тушлик қилганим йўқ.

Дарвиш:

— Унда тўрт юз сўм бер, тушликда менинг меҳмоним бўласан.

*Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.*


## ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент шаҳар ҳудудининг санитар тозалаш бошқармаси шуни маълум қиладики, 1999 йил 1 февралдан эътиборан ташкилот ва корхоналардан маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун янги нархлар киритилади, шу жумладан:**

1. Аҳоли учун хизмат ҳақи бир киши учун бир ойда 50,0 (эллик) сўм миқдорида белгиланди.

2. Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилот ва корхоналар учун 1 тонна чиқинди тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун 1753-19 сўм миқдорида ўртача тўлов белгиланди.

3. Бошқа ташкилот ва корхоналар учун 1 тонна чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари 2164-61 сўм миқдорида ўртача тўлов белгиланди.

**МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОН ВА ДИРЕКЦИЯЛАР МАНЗИЛЛАРИ:**

| | | |
|---|---|---|
| А. Икромов тумани | «Бекобод» саноат даҳаси | тел. 47-97-53 |
| Бектемир тумани | Ж. Астонов кўча, 31-уй | тел. 195-04-09 |
| М. Улуғбек тумани | Асака кўча, 52-уй | тел. 68-72-44 |
| Миробод тумани | Нукус кўча, 18-уй | тел. 54-38-39 |
| С. Раҳимов тумани | Қорасарой кўча, 270-уй | тел. 48-51-48 |
| Сирғали тумани | «Спутник» 16-мавзе | тел. 58-68-70 |
| Ҳамза тумани | Фарғона йўли кўча, 47-уй | тел. 90-90-95 |
| Чилонзор тумани | Чилонзор кўча, 27-уй | тел. 76-76-24 |
| Шайхонтоҳур тумани | Уйғур кўча, 266-уй | тел. 130-23-42 |
| Юнусобод тумани | Мавлонов кўча, 52/13-уй | тел. 34-07-92 |
| Яккасарой тумани | Самарқанд кўча, 7-уй | тел. 56-62-03 |

*Тақдимот • Тақдимот • Тақдимот*

«ВАТАН» КИНОТЕАТРИ

«Ўзбекфильм» маҳсулоти

**«СЕВГИ»**

**Кинофильми**

***16-22 февралда — соат: 12, 14, 16, 18 да «ВАТАН» кинотеатрида намойиш этилади.***

***16 февраль соат 14 да фильм ижодкорлари билан учрашув ўтказилади.***

**Фильм режиссёри — Исамат Эргашев.**

**Бош ролларда: Мурод Ражабов ва Эркин Комилов.**

**Телефон — 72-96-68.**

**Манзил: Лутфий кўчаси, 24.**

*Тақдимот • Тақдимот • Тақдимот*

Собир Раҳимов ҳокимлиги томонидан 1998 йил 4 декабрда Хадича Носиржоновна Мусаева номига берилган № 0508504 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-094. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6